

Компьютер болалари



ёхуд Виртуалликнинг реал оқибатлари

5-бет



Кўзларида шижоат зоҳир

Мамлакатимизда ёшларга юртимиз келажаги, эртанги кунимиз эгалари сифатида қаралмоқда. Истиклолимизнинг илк кунларида ноқ ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиб келинаётгани, уларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишлари, ўқиб-изланишлари учун ҳамма шароит яратилаётгани ёшларга бўлган эътибор белгисидир. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшларимиз эса ўқиш ва ишда қатор муваффақиятларни қўлга киритиб, ўзлари га бўлган ишончини оқламоқдалар. "Uzinfocom" маркази давлат унитар корхонасининг ташкилотларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни мониторинг қилиш гуруҳи бош мутахассиси Шахноза АБДУВОХИДОВА ана шундай минглаб ёшларнинг бири.

3-бет

Сўнги янгилик!

2016 йилда планшет-компьютерлар савдо ҳажми ноутбукларникидан ошиб кетади. NPD компанияси ҳисоб-китобларига қараганда, 2012 йили дунё миқёсида 347 миллионта мобил компьютер (ноутбук, нетбук, планшет) сотилади, 2017 йилга бориб эса бу кўрсаткич 809 миллионни ташкил этади.

Ноутбуклар савдоси: 208 млн. (2012 й.); 393 млн. (2017 й.).

Планшетлар савдоси: 121 млн. (2012 й.); 416 млн. (2017 й.).

Кузатувлар планшет-компьютерлар савдоси Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Японияда нисбатан юқори эканлигини кўрсатмоқда.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

■ Ярим йил яқунларига бағишланди	2
■ Қонунлар ижроси депутат нигоҳида	3
■ ИПП "О'ZDUNROBITA" продолжает допускать нарушения законодательных актов	6
■ ТАТУда қабул жараёни қандай кечмоқда?	11
■ Biblioteca Nacional de Espana: Маданий мерослар хазинаси	13
■ Билагон алоқачига "қизил карточка"	15

Теледастурлар, спорт, кроссворд

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам

Каримов 6 июл куни Оксаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси қўйи қўмитаси раиси Дэн Бертон ва конгрессмен Грегори Миксни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ўзаро манфаатли ва узок муддатли асосда ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ҳамда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари эълон қилинди.

Тошкентда 9 июл куни Ўзбекистон ва Греция ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда давра суҳбати ташкил этилди. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар ҳамда афзалликлар бериш, тадбиркорларнинг солиқ ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларини соддалаштириш, мамлакатимизда хорижий инвесторларга яратилаётган шарт-шароитларни назарда тутувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш каби бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Пойтахтимизда "Ижтимоий қўмакка эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий хизматлар кўрсатишга нодавлат нотижорат ташкилотларни жалб этиш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Мазкур тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2012 йил биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ярим йил якунларига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижалари ва истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Комплекс бўйича жами 1 триллион 995 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ҳисоб суръати 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 123,8 фоизни ташкил этди. Аҳолига 965 миллиард сўмлик (119 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 161,8 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 133 фоизга бажарилди, экспорт прогнози кўрсаткичлари ортиси билан бажарилди.

Комплекс йиғилишида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига тўлиқ камраб олиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари кўриб чиқилди. "Мустаҳкам оила йили Давлат

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2011 йил 26 октябрдаги 312-буйруғи ижросини таъминлаш бўйича ўқув-методик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва хўжалик фаолиятларини янада такомиллаштириш ҳамда алоқа, ахборот ва компютер технологиялари йўналишидаги касб-хунар коллежларининг интеграциясини ва ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Филиалимизнинг 8 нафар иқтидорли талабаси Шахрисабз ахборот технологиялари коллежида машғулотларни олиб боришмоқда, — дейди факультет декани Ахрор Ҳамроев. — 2 июндан 2 августга қадар олиб борилган машғулотларда 1-2 ва 3 босқич талабалари орасидан иқтидорлилар саралаб олинди, уларга филиалимизнинг "Информатика ва ахборот технологиялари" кафедрасининг малакали ўқитувчилари бирктирилган. Айнан Хисорак қишлоғида жойлашган коллеж танланганлигининг ўзинга хос томонлари бор. Булар коллежнинг сўлим ва салқин ерда жойлашуви, Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги лойиҳаси

мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва натижалли ҳамкорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирларнинг самардорлиги, оила саломатлигини, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, оилада тиббий хиз-

Мажлисида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, давлат идораларида бошқарув жараёнларини автоматлаштириш мақсадида ахборот тизимларини жорий этиш, ходимларнинг компютер саводхонлиги бўйича билим даражаларини ошириш ва ўтказилаётган аттестациялар натижалари таҳлил қилинди.

дастури"нинг мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини янада кучайтириш ҳамда макomini ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, таълим-тарбия муассасалари билан оила институтининг ўзаро ҳамжиҳатлигини

мажлисда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, давлат идораларида бошқарув жараёнларини автоматлаштириш мақсадида ахборот тизимларини жорий этиш, ходимларнинг компютер саводхонлиги бўйича билим даражаларини ошириш ва ўтказилаётган аттестациялар натижалари таҳлил қилинди.

Интерактив давлат хизматларини кўрсатиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли учун бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, уларни ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида маҳаллий ҳокимлик органларида "Ягона ойна" марказларини ташкил қилишнинг ҳолатига оид масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Шунингдек, Комплекс таркибига кирувчи идоралар тизимида 2012-2013 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ҳолати билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишида Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2012 йил учун белгиланган устувор вазифалар ижросини сўзсиз амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳамкорликнинг янги қирралари

асосида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлигидадир. Эътиборлиси, машғулотларда коллеж ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари ҳам фаол иштирок этиб, AutoCAD дастурида ишлаш, ELECTRONICS WORKBENCH дастуридан фойдаланиш, объектга мўлжалланган дастурлаш тиллари каби мавзулар ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг илғор ютуқларидан фойдаланиш бўйича машғулотлар олиб борилмоқда.

Таълим жараёнида янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мултимедия воситаларини кенг жорий этиш орқали ҳамкорликдаги коллежларда ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, тайёрланаётган мутахассислар маънавий дунёсини бойитиш, ўқитишнинг янги усуллари билан фойдаланган ҳолда

илғор педагогик технологияларни қўллаш, назарий билимларини амалиётда қўллаш орқали кўникмаларини ошириш, уларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш устувор вазифалардан саналади. Бу борада филиал томонидан илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган.

ТАТУ Қарши филиалига бириктирилган вилоятдаги ахборот ва компютер технологиялари касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик шартномалари тузилиб, уларни малакали мутахассислар билан тўлиқ таъминлаш бўйича мақсадли вазифалар бажарилмоқда.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири



(Давоми. Бошланғи 1-бетда.)

Пойтахтимиздаги техникага ихтирослашган лицейлардан бири аъло баҳоларга тамомлаган Шахноза 2000 йилда Тошкент Ислому университетининг ахборот технологиялари факултетига ўқишга кирди. Университетни юқори натижалар билан якунлаган илмга чанқок қиз ўқишининг магистратура босқичини ТАТУда давом эттирди. Олий маълумот эгаси бўлганлиги ҳақидаги дипломи қўлга киритгач, "Uzinfoscom" марказининг меъёрий хужжатларни такомиллаштириш гуруҳида 1-тонфали мутахассис сифатида иш бошлаган Шахноза иккинчи мутахассисликни эгаллаш мақсадида Тошкент Давлат молия институтига ўқишга кирди ва уч йил ўқиб, иқтисодчилик касбини ҳам эгаллади.

— Юртимизда ўқиб, яхши мутахассис бўлиш учун шароит етарли бўлгач, Юртбошимиз бизларни менинг фарзандларим дея қўллаб-қувватлаб тургач, бу

имкониятдан фойдаланиш ҳам керак-да, — дейди Шахноза Абдувоҳидова. — Мен Ўзбекистондай келажаги буюк юрт фарзанди эканлигимдан фахрланаман ва унинг ривожини учун қўлимдан келган барча ишни қилишга тайёрман.

Кора кўзлари шижоат-ла чакнаб турувчи Шахнозадаги бу ҳаракатчанлик отаси — электромонтёр Абдуғани Абдувоҳидов ҳамда онаси — ҳуқуқшунос, республика ички ишлар вазирлигида самарали меҳнат қилиб, ҳозирда фахрийлик гаштини сураётган Муаттархондан ўтган бўлса, ундаги ижобий фазилатларни устозлари Хуршида Тешабекова ҳамда Иброҳим Жўраевлар янада такомиллаштиришди. Устозлар талабчанлиги ва ёрдами сабаб Шахноза хизмат пиллапояларидан юқорилаб бормоқда. Ишни 1-даражали мутахассисликдан бошлаган ёш алоқачи ўзидаги бор билимини амалиётга татбиқ эта бориб, етакчи мутахассислик, сўнгра бош мутахассислик даражасига эришди.

Кўзларида шижоат зоҳир

Меҳнатсеварлиги ва ишга бўлган муносабати, қўлга киритаётган ютуқлари соҳа раҳбарлари эътиборидан четда қолмади. Шу йилги алоқачиларнинг касб байрамида у Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

— Мукофот менинггина эмас, бутун жамоамиз меҳнатига берилган баҳо деб ўйлайман, — дейди Шахноза. — Жамоамиздаги жипслик, ўзаро ҳурмат-эътибор, раҳбарларимизнинг биз, ёш мутахассисларга ғамхўрлиги доимо фидойилик билан меҳнат қилишга, янги марраларни эгаллашга чорлаб туради. Корхонамизнинг тўқсон фоизини ёшлар ташкил этади. Унумли меҳнат қилишимиз учун барча шароит муҳайё этилган. Қулай ва ихчам мебеллар, ахборот-коммуникация технологиялари, ёзда совуқлик, қишда иссиқлик билан таъминлаб турувчи кондиционерлар бизнинг хизматимизда. Фақат жон куйдириб ишлаш керак, ҳолос.

Ҳа, "Uzinfoscom" маркази ёш мутахассислари ҳикоямиз қахрамони айтганидай, фидойилик билан меҳнат қилиб, ўзларига топширилган вазифани ўз вақтида, сифатли адо этмоқдалар. Корхона зиммасига республика Президентининг "Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш тўғрисида"ги 1730-қарорига асосан Республика Вазирлар Маҳка-

маси ва Президент аппарати ахборот тизимини яратиш, қўллаб-қувватлаш, интеграция қилиш вазифаси юклатилган бўлиб, жамоа аъзолари аини пайтда Республика Вазирлар Маҳкамаси ахборот тизимини яратиш устида иш олиб боришяпти.

— Зиммамизга давлат ташкилотларида АКТни жорий этиш ва ривожлантириш вазифаси юклатилган экан, — дейди Шахноза, — бу вазифани тўлиқ адо этиш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солган ҳолда меҳнат қилаверамиз.

Дарвоқе, Шахнозанинг ораси Шахло Абдувоҳидова ҳам алоқа ходими. У "UNICON.UZ" давлат унитар корхонасида таржимон бўлиб ишлайди. Оиладаги соғлом муҳит туфайли фарзандларининг ҳаммаси билимли, ўқимишли бўлиб вояга етишган. Абдуғани ҳамда Муаттар Абдувоҳидовларнинг ўғиллари Абдуллажон тадбиркор бўлса, Абдуҳаким бўлажак шифокор — у Тошкент Давлат тиббиёт академиясида тахсил оляпти.

Юртимизда Абдувоҳидовларники каби мустаҳкам ва эл орасида эътиборли, фарзандлари баркамол оилалар сафи ортаверсин. Зеро, жамият ана шундай оилалар билан кучли ва эртаси порлоқдир.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ишчи гуруҳи "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ҳамда "Почта алоқаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидаги ижросини ўрганиб қайтди.



Шу муносабат билан 6 июл куни қўмитанинг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилиб, мазкур назорат-таҳлил тадбири натижалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот, Алоқа ва ахборотлаштириш агентликлари, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари раҳбар ходимлари, почта ва матбуот тарқатувчи ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланишича, ушбу вилоятларда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари жамиятимизда юз бераётган янгиликлар, ислохотлар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш баробарида, уларни янгича мазмун билан бойитиш ва янада чуқурлаштиришга ҳам муносибулунш кўриб келмоқда. Бу борада соҳа ходимларига барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани эътиборлидир.

Қонунлар ижроси депутат нигоҳида

Айни пайтда медиа соҳага тааллуқли айрим қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашдаги камчиликлар юзга чиқди. Хусусан, муассислар билан тахририятлар ўртасида тузилган шартномалардаги мажбуриятлар тўла бажарилмаяпти, оммавий ахборот воситалари чиқарилишига доир маълумотлар тўлиқ эмас, шунингдек, газета ва журналларни чоп этиш, кўрсатув ва эшитиришларни тайёрлаш, эфирга узатишда белгиланган талабларга риоя этилмаётгани, босма ОАВни обуначиларга ва чакана савдога чиқаришда почта

қондаларининг бузилиши ҳоллари ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Сўнгги маълумотларга қўра, мамлакатимизда 1254та оммавий ахборот воситаси (60 фоизи нодавлат ОАВ) фаолият кўрсатмоқда. Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида рўйхатга олинган ОАВ сонини хар бирида 76тадан жами 152тани ёки республикадагининг 12 фоизини ташкил этади. Тошкент вилоятидаги барча босма нашрлар (57 номдаги газета, 9 номдаги журнал), Қашқадарё вилоятидаги босма нашрлар (45 номдаги газета, 3 номдаги журнал)нинг 74 фоизи рангли чоп этилган. Бироқ Тошкент вилоятида уларнинг бир марталик умумий адади 130 минг нусха (ўртача 1670тадан)ни, Қашқадарёда 103 минг нусха (ўртача 2145тадан)ни ташкил этиши ва адади "чекланган" нашрлар рўйхатини ижтимоий-сиёсий газеталар бопқараётгани бу вилоятлардаги аксарият тахририятларнинг моддий-техника базаси аянчли аҳволда эканлигига шохидлик бериб турибди.

Анжуманда сўзга чиққанлар ОАВ ходимларининг малакасини ошириш, журналист ўзининг профессионал би-

лим ва савиясини, тажриба ва маҳоратини ошириш учун ўз устида тинимсиз ишлаши, фаолиятини замонавий журналистика қондалари асосида ташкил этиши, тахририятларга малакали журналист кадрларни кенг жалб қилиш, энг тезкор ва таъсирчан ахборот воситаси бўлиши интернет журналистикасини ривожлантириш, тахририят фаолиятига замонавий медиа-технологияларни фаол жорий этиш борасида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда даврий нашрларга обунани ташкил этиш жараёнига замонавий АКТни кенг жорий этиш, "Матбуот тарқатувчи" АК "Матбуот" дўконларида фаолият юритаётган сотувчиларнинг ўз касбига эътиборини ошириш, фаолият жараёнида камчиликларга йўл қўйилишининг олдини олиш, ижтимоий-сиёсий вақтлик нашрлар ададини "Матбуот" дўконлари орқали қўпайтириш, матбуот тарқатувчи ташкилотлар билан тахририятлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Йиғилишда кун тартибидagi масала юзасидан Тошкент ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги раҳбарларининг ахбороти эшитилиб, муҳокама этилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Тошкент вилояти

Фаолият кўрсатаётган ОАВ сонини — 76та (41таси нодавлат ОАВ)
Газеталар — 57та
Журналлар — 9та
Телевидение — 3та
Радио — 2та
Интернет нашрлари — 5та

Қашқадарё вилояти

Фаолият кўрсатаётган ОАВ сонини — 76та (31таси нодавлат ОАВ)
Газеталар — 45та
Журналлар — 3та
Телевидение — 3та
Радио — 2та
Интернет нашрлари — 23та

Xalqaro haqot



АНГЛИЯлик олимлар Шимолий денгиз тубидан "Британия Атлантидаси"ни топдилар. Хабарларга қараганда, Доггерленд номли ушбу улкан худуд бундан саккиз ярим минг йил аввал цунами оқибатида сув остида қолиб кетган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, соҳа мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқот ва қидирув ишлари натижасида мазкур худуддан найза, қадимги кўрғон ва тураржойларнинг қолдиқлари топилган.

ЭРОН қуролли кучлари миллий ракета дастури лойиҳаси устидаги ишларни давом эттирмоқда. Бу ҳақда АҚШ Конгрессида тақдим қилинган Пентагон ҳисоботида айтилган.

Ҳисоботда янги ракета ишланмалари билан бир вақтда Эрон армияси "бутун мамлакат бўйлаб" ҳарбий машқлар ўтказиётгани ҳамда янги кемалар билан қуролланаётгани таъкидланган. Шунингдек, ҳужжатда Эрон ядро дастури, Сурия ҳукуматида ҳарбий ёрдам, Ливан "Хизбуллоҳ"и, Фаластин ХАМАСи ва Ироқдаги шиа гуруҳлари билан ҳамкорлиги ҳақида ҳам сўз боради.

ФРАНЦИЯда ҳайдовчилар учун янги қонун қабул қилинди. Ҳужжатга кўра, мамлакатдаги барча юк ва енгил автомобиллар, шунингдек, мотоцикллар ҳайдовчилари ўзлари билан алкотестер мосламасини олиб юришни шарт. Маълумотларга кўра, бу қонда нафақат Франция фуқароларига, балки ушбу мамлакат худудида автомобил бошқарётган ҳар қандай чет эллик фуқарога ҳам тааллуқлидир. Хабарларга қараганда, мазкур қонун жорий йилнинг ноябр ойидан бошлаб кучга киради. Спиртли ичимлик истеъмол қилинганни аниқлайдиган ушбу мосламани ўзи билан бирга олиб юрмайдиган ҳайдовчига 11 евро миқдориде жарима солинади.

ЕВРОИТТИФОҚ президенти Херман Ван Ромпей Грузия президенти Михаил Саакашвили билан ҳамкорликдаги брифинг якунида Россия ва Грузия "муносабатларни меъёрлаш йўлини қидириши" кераклигини маълум қилган. "Евроиттифок Грузиянинг халқаро ҳамжамият тан олган худудий яхлитлигини сақлаш асосида Грузия-Россия муносабатлари яхшиланишидан манфаатдор", — деган Ромпей.

АҚШнинг "Coca-Cola" компанияси 2012 йилнинг охирига бориб полиэтилен пакетчаларда ҳам ичимлик ишлаб чиқаришини маълум қилди. Ушбу пластик пакетчаларнинг шакли "Coca-Cola"нинг шиша идишига ўхшайди. Компания вакиллари сўзларига кўра, ушбу янги лойиҳа қадоклаш учун сарфланадиган харажатлар миқдорини камайтиришга ҳамда дунёнинг икки юзга яқин мамлакатда сотиладиган ушбу маҳсулот нарҳининг пасайишига хизмат қилади.

КРОСНОДАР ўлкасида юз берган фожeanинг расмий рақамлари эълон қилинди. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг хабарига кўра, кучли ёмғир оқибатида ўлканинг Геленжик, Новоросийск, Қрим шаҳарлари ҳамда Дивно-морск, Нижнебаканск, Неберджаевск ва Кабардинка посёлкаларида 7 минг 200 тураржой бинолари сув остида қолган, 400та уй бутунлай вайрон бўлган. 34 минг 650 киши зарар кўрган, 171 киши қурбон бўлган.

Осиёда энг таниқли брендлар

Анчадан буён жаҳон майдонларида Apple ва Samsung компанияларининг манфаатлари тўқнашаётганидан хабарингиз бор, албатта. Ҳўш, Осиёдаги аҳвол қандай?

Яқинда ўтказилган сўровномага кўра, Apple яна тўрт поғонага кўтарилиб, номдорлиги бўйича Sony ва Panasonicни ортда қолдириб, қитъамизда Samsungдан кейин иккинчи поғонага чиқиб олди.

Умуман олганда, мазкур сўровнома Campaign Asia-Pacific журнали учун ҳар йили ўтказиб келинади. Бу сафар мазкур тадқиқотда 4800 нафар респондент қатнашди. Сўровнома 14 тоифадаги

(улар яна 73 қисмга ажратилади) маҳсулот ва хизматларни қамраб олди ва натижалар қатнашчиларнинг ёши, жинси ҳамда даромадига қараб ҳисоблаб чиқилди. Эътиборли жиҳати, бу йилги сўровномада номдор компаниялар яна нуфузини тиклаётгани кўзга ташланди. Маҳаллий компанияларга нисбатан глобал компанияларга қизиқиш кучлироқ, етакчи 20 компания рўйхатида

ўтган йили 8та компания Хитойники бўлган бўлса, бу йил уларнинг сони 3та, Япония ва Жанубий Корея компаниялари сони эса кўпайган.

Осиёда энг таниқли бешликнинг тўрттаси ахборот технологиялари компаниялари — Samsung, Apple, Sony ва Panasonic, бешинчи ўриндаги Nestle эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан танилганини ҳаммамиз яхши биламиз.

АТ-хабарлар



LG Electronics яқин келажакда телевизорлар бозоридаги асосий рақиб — Samsung Electronicsни қувиб ўтмоқчи. Бунинг учун истиқболли саналаётган OLED технологиясига асосланган янги авлод телевизорларидан кўпроқ чиқариш лозим бўлади.

"Янгиликларни жорий этишда биз доим Samsungдан ортда қолганимизни тан оламиз, бироқ айнан OLED-телевизорлар ишлаб чиқишда биз улардан илдамроқмиз", — деди компаниянинг телевизорлар бўлими вице-президенти Ро Сег Хо матбуотга берган интервьюсида.



Массачусетс технология институти тадқиқотчилари бирварақайга бир нечта муюқбил энергия манбаларидан таъминот олувчи чип ишлаб чиқилди.

Чипни яратишда атроф-муҳитни назорат қилишнинг янги авлод тизимлари, биомедицина, турли сенсорлар бўйича ишланмалардан фойдаланилди.



Тайваннинг DigiTimes нашри хабар беришича, яқин орада жаҳондаги суюқкристалл дисплей ишлаб чиқарувчилар IGZO технологиясини кўпроқ татбиқ этишга киришади. Бунга мазкур технология қўлланган дастлабки дисплейларнинг муваффақият қозонгани сабаб бўлиши мумкин. Чунки, Apple iPadнинг янги планшетларига ҳам мазкур дисплейлар ўрнатилган.

Ҳозирча IGZO технологияси бўйича Япониянинг Sharp компанияси етакчи бўлиб турибди.



IBM жорий йилда менежерлари ҳамда IBM Global Technology Services глобал бўлимаси ходимларининг маошларини оширмайди. Фақатгина "компания учун ҳаётий муҳим малакали" мутахассисларнинг маошлари оширилади.

Кузатувчилар иш ҳақларининг "музлатилиши"ни 2015 йил учун мўлжалланган молиявий кўрсаткичларга эришиш мақсадига қаратилган қадмлардан бири дея баҳолашмоқда. Эслатиб ўтамиз, компаниянинг собиқ раҳбари Сэм Палмизано 2015 йилда IBM ҳар бир акцияси учун йилига 20 долларлик даромадга эришиши шарт дея баёнот берганди.



Ахборот технологиялари: харажатлар ошмоқда

учун харажатлар 207 млрд.га етиши кутилмоқда.

2012 йили янги компьютер қурилмаларига молиявий ажратмалар 420 млрд.га етади, бу 2011 йилдан 3,4 фоизга кўпроқ, янаги йили эса бу кўрсаткич 448 млрд.ни ташкил этиши ҳисоблаб чиқилган. Жорий йилда корпоратив дастурий таъминот учун компаниялар ўтган йилдан 2,3 фоиз кўп ёки 440 млрд. доллар сарфлашади. Бизнес компаниялари ахборот технологиялари сервисларидан фойдаланишга 864 млрд. доллар ишлатишади (2011 йилга нисбатан 2,5 фоиз кўп).


Телекоммуникация қурилмалари учун жорий йилда 377 млрд. доллар маблағ сарфланади. Умуман олганда, телекоммуникация сервислари бу йил 1,6 трлн. доллар пул ишлайди, 2011 йили бу кўрсаткич 1,4 трлн. эди.

Жорий йилда ахборот технологиялари учун умумжаҳон сарф-харажатлари 3,6 трлн. доллардан ошади, бу ўтган 2011 йилдагидан 3,5 фоизга кўпдир (3,5 трлн.). Мазкур маълумотни тақдим этган Gartner компаниясининг қайд этишича, жаҳон иктисодиёти-

да кузатилаётган инқирознинг янги тўлқини ҳозирча IT-соҳага унчалик таъсирини ўтказмаган.

Дунё корхона-ташкilotлари булутли сервисларга бу йил 109 млрд. доллар сарфлашади (ўтган йили 91 млрд.). 2016 йилга бориб корпоратив булутли сервислар

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида телевизорларни ўзига тўқ хонадонлардагина учратардик. 70-йилларда магнитофон, 80-йилларда видеомагнитофон ана шундай "дабдабали ҳаёт" беазага айланди. 90-йиллар, тўғрироғи, янги аср арафасида ҳаётимизга шахсий компьютерлар кириб келишни бошлади ва агар ўртада "мобил инқилоб" содир бўлмаганида, бугунга келиб улар оммавийлик бобида телевизорлар билан бемалол беллаша оларди.



Компютер болалари

ёхуд Виртуалликнинг реал оқибатлари

Шунга қарамадан, компьютерларнинг ахамияти чекланиб қолаётгани йўқ. Асло. Фазогирдан тортиб агрономгача, муҳандисдан тортиб уй бекаси-гача юмушларини компьютерда бажариши мумкин. Хуллас, компьютерлар шарофати билан ҳаётимиз чиндан-да фаровонлашиб, зиммамиздаги ишлар енгиллашиб борапти. Шу билан бирга, биз яшаётган ахборот асрида ахборот хавфсизлиги, ёшлар ва компютер, интернетпарастлик каби тунунчалар пайдо бўлди ва кенг қулоқ ёймоқда. Буларнинг бари беихтиёр кишини мушоҳада қилишга ундайди.

Ҳамма замонларда ҳам инсоният учун ахборотнинг роли жуда катта бўлган. Қадимда, биринчи ёзув кашф этилгандан сўнг кўп асрлар давомида оддий халқдан, бегона миллатлардан махфий тутилган экан. Зеро, ахборотнинг энг оддий ва асл кўриниши ҳам ёзувлар эди. Замолар ўзгарди, ахборотга бўлган эҳтиёж эса ошгандан-ошмоқда. Юқорида биз номларини санаб ўтган электротехника қурилмалари бажарадиган вазифага эътибор беринг-а! Шунда нега музлатгич ёки чангютич (аслида улар ҳам электротехника бўлса-да) "обрў ўлчанадиган воситалар" эмаслигини тунунчи етасиз. Компютерлар, кейинчалик интернетнинг дунё юзини кўриши бутун инсоният орузу қилган ахборот одиш имкониятларини кенгайтириб юборди ва янги асримиз бежизга ахборот асри деб аталмапти.

Интернетта оддийгина таъриф бериш қийин. Кўпинча омвий ахборот воситаларига тенглаштирамиз-у, бироқ бу унинг юзлаб, балки минглаб қирраларидан бири, холос. Унинг ўзи бир дунё, тўғрироғи, виртуал олам. Компютер ўйинлари ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Айниқса, болалар ва ёшлар жуда таъсирчан бўлишади. Улар ҳали шаклланиб улгур-

маган, ким қаяққа етакласа ортидан эргашади. Психологларнинг кузатишларича, виртуал оламга кирувчилар ҳақиқий ҳаётдан узилиб қолишаркан. Сабаби оддий: у ерда ҳаёт гўзал, ҳаммаси осон, ҳақиқий ҳаётдаги ташвишлар сизга яқин йўламайди, хуллас, "ўзингиз хон, кўланкангиз майдон". Болаларнинг компютер ўйинлари исканжасига тушиб қолиши-ю, интернетпарастликнинг авж олиб бораётганига сабаблардан бири ҳам шу бўлса керак, назаримизда.

Ҳаёт давом этади. Яшаш учун ишлаш, доимий ҳаракатда бўлиш талаб этилади. Минг афсуслар бўлсинки, аслида меҳнат жараёнимизга, турмушимизга енгиллик киритиш учун татбиқ этилаётган айрим замонавий технологиялардан баъзи бировлар, аниқроғи, компютер таъсирида танбаллик кўчасига кириб қолган, осонгина пул топиш мумкин деб ўйлайдиган кимсалар (аслида улар ўзларини дунёдаги энг ақлли одамлар ҳисоблашади) ғайри мақсадларда фойдаланишмоқда. Уларни биз замонавий тилда ҳакерлар деймиз.



Сўз — мутахассисга:

Дилшод АТАХАНОВ,
"Ўзбектелеком" АК "Бизнесни Ривожлантириш Маркази" филиали ахборот хавфсизлигини таъминлаш хизмати бошлиғи:

— Мамлакатимизда ахборот технологиялари кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Кўпчилик ёшларнинг бу соҳага қизиқиши, албатта, қувонарли ҳол. Ҳар бир ота-она фарзандига фақат яхшиликни раво кўради. Имконияти борлар яхши ниятлар билан болаларига компютер, сўнгги русумдаги мобил телефонлар олиб беришапти. Бироқ, ота-она ишончини сунистеъмом қилиб, айрим ёшлар компютердан билим олиш мақсадида эмас, балки бировларнинг пулини ўзлаштириш йўлида фойдаланаётгани жуда ташвишли ҳол.

Таъкидлаш керакки, сўнгги пайтларда интернет ва мобил телефонлар орқали ёшлар томонидан кўплаб ноҳуш ҳолатлар содир этилмоқда.

Яқинда корхонамизга бир миқдор арз қилиб келди. Унинг биздан интернет ишлатиш учун олган хизмат ҳисоби ҳажми (трафиғи) камайиб қолаётган экан. Тегишли текширув ва қидирув ишлари ўтказилганда, унинг интернет хизмати учун фойдаланадиган пароли ўғирлангани маълум бўлди. Буни қарангки, бу бир ёш боланинг иши бўлиб чиқди.

У ҳам корхонамиз интернет хизматлари миқдори бўлиб, баъзан бир таққиланган дастурларни ишлатиб, бошқа миқдорларнинг паролини ўғирлаб, интернет хизматлари трафиғини ишлатиб юрган ва уларга катта моддий зарар етказган.

Оқибатда нима бўлди?! Бола ота-онасининг юзини ерга қаратди, оиласига молиявий ва маъна зарар келтирди, энг ёмони, ўзига бўлган ишончини йўқотди. Ахир, оила мустаҳкамлиги ишончда-ку!

Афсуски, бу каби ноҳуш воқеалар кўпайиб бормоқда. Юқоридаги воқеа эса биргина мисол. Бу биринчи навбатда катталар, ота-оналар учун сабоқ бўлиши керак. Айнан ота-оналар ўз фарзандлари кечая кундуз компютерда нималар билан шуғулланаётгани, улар интернет учун пулни қаердан олаётгани, қандай интернет саҳифаларига қираётганларини доимо назорат қилиб боришлари шарт.

Маълумки, бутун дунёда компютерлар соҳасидаги жиноятчилар — ҳакерларга қарши жуда жиддий кураш кетмоқда. Айтиш керакки, ҳакерлик энг оғир жиноятлар сирасига қиради ва шунга яраша жазоланади. Жумладан, юртимизда ҳам компютер соҳасида, интернет тармоғида қилинган жиноятлар учун тегишли чоралар кўрилади. Қонунни билмаслик эса жавобгарликдан озод қилмайди.

Ўз ўрнида, бизнинг хизмат ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлашга бор куч ва салоҳиятини йўналтирган.

Сўнгсўз:

Ахборот технологиялари ривожланиб, қўлланилиш соҳалари кенгайиб бораверади. Зеро, инсониятнинг бундан кейинги йўлини уларсиз тасаввур этиш келажакдан юз бурнига баробар. Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Ҳар ким эканини ўради. Хулоса ўрнида танқиди ўзбек маърифатпарвари Абдулла Авлонийнинг қуйидаги даъвати ёдга тушди: "Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир".

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси

XX¹ боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар
278²-модда. Компютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (руҳсатсиз) фойдаланиш

Компютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (руҳсатсиз) фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нуسخа кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу ҳаракат:

- бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб;
- такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;
- уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(XX¹ боб Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-137-сонли Қонуни билан киритилган — ЎР ҚХТ, 2007 й., 52-сон, 532-модда)

ИПП "O'ZDUNROBITA" продолжает допускать нарушения законодательных актов

При анализе документов, поступивших в Государственную инспекцию связи по приемке в эксплуатацию законченных строительством объектов ИПП ООО "O'ZDUNROBITA" и результатам проведения мониторинга был выявлен ряд нарушений требований законодательных актов Республики Узбекистан, допущенных ИПП ООО "O'ZDUNROBITA".

При приемке в эксплуатацию коммутационных станций ИПП ООО "O'ZDUNROBITA", было выявлено, что проложенные через кабельную канализацию волоконно-оптические линии связи между коммутационными станциями эксплуатируются без сдачи в установленном порядке объектов приемочной комиссии. В частности, волоконно-оптические линии связи проложенные через кабельную канализацию филиала "ТШТТ" АК "Узбектелеком".

Кроме этого, после ответного письма ИПП ООО "O'ZDUNROBITA" на ранее выданное предписание Государственной инспекции связи об отключении незаконно эксплуатируемых базовых станций, была дополнительно выявлена незаконная эксплуатация 208 базовых станций сотовой связи "O'ZDUNROBITA" имеющие временные разрешения на эксплуатацию Центра электромагнитной совместимости. В частности:

- в городе Ташкенте 88 (3G), 49 (GSM-1800) и 3 (GSM-900);

- в Самаркандской области 13 (3G), 7 (GSM-1800) и 1 (GSM-900);
- в Ферганской области 3 (GSM-1800);

- в Джиззакской области 14 (3G), 9 (GSM-1800) и 5 (GSM-900);

- в Республике Каракалпакстан 14 (GSM-1800) и 2 (GSM-900) базовые станции.

По фактам выявленных нарушений Государственная инспекция связи выдала предписание ИПП ООО "O'ZDUNROBITA" о приостановлении со дня получения предписания, эксплуатацию не принятых в установленном порядке в эксплуатацию волоконно-оптических линий связи и базовых станций. Также уведомила о том, что в случае невыполнения изложенных в предписании требований, будет решаться вопрос о приостановлении, либо прекращении действия лицензии, выданной ИПП ООО "O'ZDUNROBITA" в установленном законодательством порядке.

gis.uz

В социальной сети МОЙ OLAM зарегистрирован 100000-ый пользователь

8 июля 2012 года количество зарегистрированных пользователей в социальной сети Портала Узбекистан "Мой OLAM" превысило до 100 000.

"Мой OLAM" был запущен 18 июля 2011 года, и менее чем за год нам удалось достичь "круглый" цифр "сто тысяч" зарегистрированных пользователей.

Согласно данным Google Analytics, за последние 30 дней социальную сеть по адресу my.olam.uz посетили 288 802 пользователей, из них 140 584 уникальные посетители.

Olam.uz

Данная монография посвящена результатам научно-исследовательской работы, целью которой являлось исследование и разработка измерительного прибора, основанного на персональном компьютере, который может применяться в различных отраслях науки и техники, связанных с процессами измерений различных физических величин, научных исследованиях и учебном процессе.



Полезная книга

В ГУП "Unicon.uz" выпущена монография "Приборы для измерения на основе персонального компьютера" (авторы М. Мухитдинов, Г. Цой)

Главным отличием любого компьютеризированного прибора от реального является то, что компьютеризированный прибор способен заменить большое количество аппаратных элементов реального прибора. Отсюда можно сделать вывод, что возможности компьютеризированных приборов зависят от возможностей ПО, поэтому функциональность может быть расширена или же легко адаптирована к конкретной исследовательской задаче. Данная технология позволяет проводить адаптацию приборов без замены аппаратной части, используя возможности математического аппарата, среды программирования, операционной системы и компьютерных технологий, что оказывается невозможным при использовании традиционных приборов. Таким образом, именно гибкость технологии компьютеризированных приборов приводит к существенному расширению функциональности создаваемой системы при одновременном уменьшении ее стоимости. Совмещение в ПК возможностей быстрой

цифровой обработки данных, полученных от датчиков, при помощи внешних преобразователей и ПО информации с качественным одновременным отображением результатов этой обработки, делает систему компьютеризированных средств измерений на базе ПК одним из основных инструментов для измерений.

В монографии рассмотрены существующие разработки, методы и средства разработки, элементы структурной схемы измерительного прибора на основе персонального компьютера, сформулированы принципы построения, разработаны структурно-функциональные и принципиальные схемы аппаратного обеспечения, алгоритмы и блок-схемы программного обеспечения, приведены результаты экспериментальных исследований.

Книга будет полезна для научных и инженерно-технических работников в области приборостроения и средств автоматизированного управления, преподавателей и студентов.

Наш корр.

Коротко...

Компания Huawei объявила о превышении рекорда пиковой скорости в 20Мбит/с при передаче данных по обратному каналу отдельного абонента по технологии HSUPA. Для этого применялись технологии двойной несущей (Dual Carrier, DC) и квадратурной модуляции амплитуды.

Высокая скорость передачи данных позволяет абонентам мобильной связи загружать видеоклипы и получать доступ к материалам с высокой скоростью.



Украинские студенты изобрели перчатки для смартфона, которые переводят жесты немых людей в голос. Данный проект станет прекрасным помощником людям с недостатками слуховой функции.

В перчатки вмонтирован специальный аппарат, который отслеживает движения немых людей в пространстве. Затем эта информация передается на смартфон и обрабатывается на нем, после чего жесты озвучиваются голосом. Необычные перчатки разработали студенты, которые обучаются в компьютерной академии "Шаг" в рамках международного конкурса программного обеспечения Microsoft Imagine Cup 2012. В нем приняло участие более 70 команд, а само шоу вышло в финал конкурса.



60% британцев во время отпуска за границей практически непрерывно пользуются Facebook или Twitter, фиксируя практически все события во время подрада, а четверо из десяти британцев заходят в одну из популярных соцсетей по меньшей мере раз в день.

Такие данные были получены во время исследования, проведенного оператором T-Mobile.



Прозрачные полупроводники широко применяются в ЖК-дисплеях, сотовых телефонах, электронных ридерах, сенсорных экранах и многих других коммерческих устройствах. Кроме того, они применяются в производстве солнечных батарей и передовых системах освещения.

Основной элемент прозрачных полупроводников — индий сейчас находится в большом дефиците из-за высокого спроса. За последние 10 лет цена индия выросла в разы и продолжает расти.

Для того, чтобы как то изменить ситуацию, компания Seashell Technology разработала гибкий прозрачный полупроводник на основе серебряных нанопроводов и прозрачных проводящих пленок — Hi-Flex eFilms.



Новинка создана путем формирования случайной сети серебряных нанопроводов, пропущенных через пластиковую пленку. Подобный проводник вообще не использует индия, а по характеристикам не уступает последнему.



Бывший исполнительный директор Google Эрик Шмидт, занимающий с весны прошлого года должность председателя правления компании, заявил изданию Foreign Policy, что Китай является единственной страной в мире, где правительство диктует правила поведения в интернете, однако проникновение технологий и информации в скором времени разрушит и эту "китайскую стену", сообщает SecurityLab.

Шмидт считает, что дальнейшее развитие страны, в которой правительство будет диктовать условия поведения даже в киберпространстве, просто невозможно при сегодняшнем порядке вещей.

Хабар +tv


ДУШАНБА — 16 ИЮЛ



5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
7.00 "Олам ва одам" дастури: "Замин тарониёлари".
7.15 "Иқлим".
7.20 "Қўнғил қўшиқ истайди".
7.30 "Ҳаё қўшқари". Т/с.
8.00 "Таълимнома".
8.40 - 9.30 "Мамиянинг" дастури.
9.30 "Модир қўллар".
9.40 "Минг бир ривож".
9.45 "Ҳаётини сари".
10.05 Тесе Театр: "Отин денор".
10.45 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Абборот".
"Еши тилини қўзғайди".
11.10 "Фриппер ва Лотика". М/с.
11.35 "Иқлим".
11.40 "У ақалдон табияти".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
12.50 "Қўнғил қўшиқ истайди".
13.00 "Ватан меҳри".
13.40 "Рағзини дунё".
14.00 "Абборот".
14.15 Миллий кино: "Сени севдим".
15.50 "Иқлим".
15.55 Жаҳон мусиқаси қавнасида.
Моҳат.
16.40 "Икки дарё оралиғида".
17.00 "Абборот".
17.10 "Менинг оғзим".
17.30 "Эртаслар - яқиндаги етаслар".
18.00 "Қўнғил қўшиқ истайди".
18.10 "Қоратик".
18.25 "Иқлим".
18.30 "Ватан мангаллари".
18.45 Миллий сериал: "Умр мангаллари".
19.20 ТВ - цифровик.
19.25, 20.00, 20.35 "Эълоқлар".
19.30 "Абборот" /рус/.
20.05 "Отини мерос".
20.20 Миллий сериал: "Ҳаёт қавалари".
21.00 "Абборот".
21.40 "Мен - ешиқман".
22.00 "Унги савдон ани". Т/с.
22.40 "Иқлим".
22.45 "Аббат чамбариги". Т/с.
23.30 "Олам ва одам" дастури: "Замин тарониёлари".
23.45 - 23.50 "Оғу".
23.50 Кўрсатувлар дастури.
23.55 "Модир қўллар".
00.10 "Иқлим".
00.15 Миллий сериал: "Умр мангаллари".
00.50 "Қўнғил қўшиқ истайди".
1.00 "Абборот" /рус/.
1.30 - 2.35 "Мамиянинг" дастури.
2.25 "Иқлим".
2.40 "Мен - ешиқман".
2.55 "Отини мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".
4.00 "Абборот".
4.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жипгалари".
5.15 "Саломатлик сирлари".
5.30 "Икки дарё оралиғида".
5.50 - 5.55 "Оғу".



6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Жидо мактаби".
7.00 "Сехрини тоғи". Т/с.
7.30 "Муштангақорам".
Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-урувлари ва яқин одамларининг, кўшнларининг эсон-омонлиги тўғрисида гам-хўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди..."

Ёшларимизнинг онги-шуурига болаликдан ота-онага меҳрибонлик, келусида оила учун қайғуриш туйғуларини сингдириб борилади. Уларнинг маънан етуқ, жисмонан баркамол, меҳр-оқибатли инсонлар бўлиб тарбияланишида оиладаги муҳитнинг аҳамияти бекиёс.

Ўзбекистон Конституциясининг XIV боби "Оила" деб номланиб, унда оилаларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни қафолатловчи нормалар ўз аксини топади. Хусусан, жамиятнинг асосий бўлини бўлмиш оила, оналик ва болалик жамият ва давлат муҳофазасида экани, ота-оналар фарзандларини вояга етгунча боқиб ва тарбиялашга мажбурлиги, ўз навбатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ота-оналари ҳақида гам-хўрлик қилиши мажбурият сифатида белгиланган.

Оила кодекси эса оилада ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи асосий манбалардан бирidir.

Жорий йилда оила билан боғлиқ қонунчиликни замон талабларига уйғун равишда такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилаётгани юртимизда оила институти янада мустақкамлаш ва ривожлантириш, оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Д. ЖАББОРОВА,
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани
5-сонли Давлат нотариал
идораси нотариуси

Хикоят

Одам икки нарса туфайли қаримайди: бири — яхши феъли, иккинчиси эса эзгу сўзи.

Юсуф Хос ХОЖИБ

Хизматидан эл мамнун

10000 рақамга эга, — дейди Сирожиддин Муллажонов. — Бу, ўз навбатида, аҳолига 14 хил сервис хизматлари кўрсатиш имконини беради. Ушбу кўшимча хизмат турларидан шахар аҳолисининг 3000 нафарга яқини фойдаланмоқда. Аҳоли мамнун, даромад ҳам жойида.

Мижозлар билан ишлаш бўлими асосан ёшлардан ташкил топган бўлиб, кун давомида кўтаринки руҳ, яхши кайфият ҳукм суради. Ходимлар мижозлар билан ишлашда самимийлик, ўзаро ҳурмат, хушмуомалаликка асосланишади.

— Ҳозирги кунда ташкилотимиз компютерлаштириш соҳасида ҳам олдинги сафларда бормоқда, — дейди фахр билан С.Муллажонов. — Бугунги кунда 12та компютер локал тармоғи орқали бир-бири билан боғланган ва ягона

тизимда ишлайди. Алоқанинг мунтазам, уздуксиз ишлашини таъминлаш, ташкиллаштириш ва бошқариш, берилган топшириқларни ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш касбимиз мазмуни-моҳиятини ташкил этади. 2006 йили Фарғона шахар телекоммуникациялар боғламаси билан ҳамкорликда "СТМ-155" АТС ускунаси ўрнатилиб икки шахарни бир-бирига боғловчи алоқа тизими йўлга қўйилди.

Алоқа хизматининг сифатли бўлишида алоқа тармоғи муҳандиси Авазбек Мўлаев, кабелчи-пайвандчилар Асатулло Абдурахмонов, Азимжон Омонов, Лутфулло Рўзиматов, тармок электромонтёрлари Одижон Қўзиёв, Фарход Раҳмонов, Ҳаётжон Мамарасуловларнинг муносиб хиссаси бор.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Ҳордиқ

Қилчбек Тожиёв, Валижон Кодиров, Тожибой Юсуповларнинг куй-қўшиқларидан, қизикчилар, шоирларимизнинг хангома, латифа, янги шеърларидан маънавий озуқа олдиқ. Тadbир ташкилотчиларига миннатдорлик билдириб, эзгу ишларига омадлар тилаймиз.

Аскар АНБАРЖОНОВ

Сирожиддин МУЛЛАЖОНОВ 1980 йили Қўштепа тумани Лойсон қишлоғида туғилган. Қишлоқдаги 22-ўрта мактабда ўқиб юрган пайтлари симёғоч тепасига чиқиб, телефон симлари билан ишлаётган монёрларга ҳавас билан қарарди. Улғайиб катта бўлгач, албатта, алоқачи бўлишни орзу қиларди.

Шунинг учун бўлса керак, Сирожиддин 1996 йили ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб, Тошкент алоқа коллежига ўқишга кирди. Коллежни яхши баҳолар билан тугатиб, 2000 йил Фарғона политехника институтининг энергетика факултети ўқишга қабул қилинди. Уни 2005 йили тугатиб, дастлаб Марғилон шахар телекоммуникациялар боғламасининг 235-АТСда техник, сўнгра 2003 йилдан катта электромеханик вазифаларида меҳнат қилди. 2010 йилдан ҳозирга қадар 233-АТС бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

— Мен раҳбарлик қилаётган АТС

2012 йилда Сўх туманида сеvimли шоиру ёзувчилар, тележурналистлар, санъаткорлар билан учрашувлар, кўнгилочар тadbирлар туман ҳокимлиги ҳамда Фарғона маънавий тарғиботи маркази, "Қамолот" ЁИХ бўлимлари ташаббуси билан ўтказилди. Жумладан, биз алоқа соҳаси ходимлари мажмур учрашувларда қатнашиб, маданий ҳордиқ чиқардик.

Айниқса, сеvimли санъатқору хонандаларимиз Абдулхай Каримов, Илҳом Иброҳимов, Абдуҷалил Қўқонов,

Biblioteca Nacional de Espana:

Маданий мерослар хазинаси

Испания Миллий кутубхонаси мамлакатнинг асосий кутубхонаси ҳисобланиб, фаолияти асосан испан маданияти меросини сақлаш ва тадқиқ қилишга йўналтирилган.

Кутубхона коллекцияси 26 миллион нусха бўлиб, уларнинг 15000000и китоблар ва бошқа босма материаллар, 3000дан ортиги қўлёзмалар, 3000га яқини илк нашр қилинган китоб (incunabula)лар, тахминан 500000 босма ҳужжатлар, 1830тагача нобосма ҳужжатлар, 600000дан ортиқ замонавий монографиялар, 143000 нусхадаги газета ва журналлардир. Шунингдек, кутубхона жамғармасида гравюралар, суратларнинг асл нусхалари, эмблема ва фотографиянинг жуда катта коллекцияси мавжуд. Бундан ташқари, ҳар хил усул ва жисмлар воситасида тасвирланган турли типологияларга тааллуқли 200000 расмлар, 500000дан кўпроқ ишланмалардан иборат босма ва қўлёзма мусиқа партитура (кўп овозли мусикий асарда ҳамма қисмлар мажмуа)лари, 500000 харита сақланади. Аудио коллекцияси 550000, аудиовизуал коллекция эса 800000, электрон ҳужжатлар 90000нусхани ўз ичига олади.

Кутубхона картография бўлимида қадимги ва замонавий картография архивининг аjoyиб коллекцияси сақланади ва улардан 134000дан ортигини (аксариятида Испания тасвирланган) хариталар, атласлар, картографик, географик ва астрономик ишлар, шунингдек, мамлакатлар қайдлари ва саёхатчилар мактублари ташкил этади.

Кутубхонага Испания Қироли Филипп V томонидан 1712 йили Қироллик кутубхонаси сифатида асос солинган. Кутубхона билимларга оммавий уланиши ва испан оксуякларининг айрим кутубхоналарини бирлаштиришни таъминлаган. 1761 йили Хуан де Сантандер қирол Карл III топшириги билан кутубхона низомини тайёрлаган. Низомга кўра, барча босма хоналар ҳар бир нашр ишидан бир нусха Қироллик кутубхонасига топшириш мажбуриятини олган. Айни шу вақтда кутубхона қошида қироллик босмахонаси ташкил этилди.

Мазкур кутубхона функцияларидан бири, аниқроғи, унинг ходимларининг вазифаси кутубхонада сақланаётган китоблар ва ҳужжатлардан нусха кўчириш ҳамда қайта ёзиб чиқиш бўлган. 1836 йилга келиб, кутубхонанинг хусусийлик мақоми ўзгартирилиб, Бошқарув вазирлиги (Ministerio de la Gobernacion) тасарруфига ўтказилди ва Миллий кутубхона (Biblioteca



Nacional) номини олди. XIX аср мобайнидаги монастрлардаги китобларнинг мусодара қилиниши, сотиб олишлар ва қилинган хадялар ҳозирги кунда ҳам Миллий кутубхона жавонларида сақланаётган қадимий ва ноёб китоблар сонининг салмоқли кўпайишига имконият яратиб берди.

1986 йилнинг 16 мартида Испания Миллий кутубхонаси ҳозирда фаолият олиб бораётган биносида расмий очилган. Бино 320 ўқувчига мўлжалланган катта ўқув залини ўз ичига олади. 1931 йили ўқувчилар сонини кўпайтириш ва уларга бир вақтда хизмат кўрсатишга эришиш мақсадида (бунгача ўқувчилар талабига қараб ажратилган, шу боис бир неча бўлим фаолият олиб борган) ўқув зали қайта ташкил этилиб, фаолияти кенгайтирилди.

1896 йилда кутубхона янги биноси — музей ва архив жойлаштирилган Paseo de Recoletos қурилиши якунланди.

1936-1939 йиллардаги фуқаролар уруши вақтида кутубхона фонди мусодара қилинган томлар ҳисобига 500000тага ўсди.

1986 йилдан кутубхона таркибиде бир неча махсус бўлимлар очилди: газеталар архиви, Испан библиографик институт ва Ҳужжатли филмлар архив маркази.

1991 йили кутубхонани кенгайтириш мақсадида Алкала-де-Энаресда унинг филиалига асос солинди. Испания Миллий кутубхонаси штаб-квартираси айнан шу филиалда жойлашган.

Испан фуқаролар уруши вақтида Мусодара қўмитаси (Junta de Incautacion) томонидан китоблар ва санъат асарлари (жумладан, черков ва шахсий коллекциялар)ни сақлаб қолиш мақсадида 500000га яқин нашрлар ва кутубхона жамғармаси йиштириб олинди. XX аср мобайнида кутубхона биносиде қўплаб ўзгаришлар амалга оширилди: унинг хоналари ва омборлари доимий кенгайтиришга мослаштирилди. Миллий кутубхона биносидеги энг аҳамиятли ўзгариш 1955 йили содир бўлди — омборхоналар кенгайтирилди. 1986 йилдан 2000 йилгача олиб борилган реконструкция ишлари натижасида бош бино ташқи кўриниши сезиларли ўзгартирилди, натижада кутубхонанинг янги бўлимлари (масалан, Alcala de Henares ва бошқ.) пайдо бўлди.

1986 йилга келиб, Испаниядаги асосий библиографик муассасалар — Марказий газеталар кутубхонаси (Hemeroteca Nacional), испан Библиографик Институти (Instituto Bibliografico Hispanico) ва Ҳужжатли ва Библиографик Хазиналар маркази — Biblioteca Nacionalга бирлаштирилди ва шу тарзда кутубхона Испания Маданий Хотиралар Сақловхонаси мақомига (Centro Estatal Depositario de la Memoria Espanola) эга бўлди.

Айни дамда ҳам кутубхона фондини Испанияда ёзилган жуда катта ҳажмдаги турли библиографик материаллар нусхалари билан тўлдириш давом этмоқда. Шунингдек, бошқа воситалар — сотиб олишлар, бошқа кутубхоналар билан алмашишлар, мусодаралар ва хадялар орқали ҳам тўлдирилиб борилмоқда. Йили ёки аҳамияти, миллий баҳосига кўра махсус қадимий ҳужжатларни сақлаш устидан алоҳида назорат ўрнатилган. Бу жараён мамлакат қонунларига ва регламентга қатъий бўйсунди.

Кутубхона қуйидаги асосий омили билан алоҳида шухрат қозонган:

- Айни дамда китоб бозорига чиқмаган қадимий испан библиографик нашрлари.

- Испан маданияти бўйича хорижий нашрлар.

- Чет элларда чоп этилган испан муаллифлари ишлари.

- Буюк мутафаккирларнинг фаолияти ҳақида испан тилида ёзилган тақрир ва танқидий мақолалар ҳамда санъат асарлари.

- Мутахассисларнинг ижтимоий фан соҳасидаги ишлари (асосан Лотин Америкасига оид билимлар).

- Буюк олимларнинг турли фан соҳаларидаги тракт (муаммоли илмий асар)лари.

- Информатика ва ҳужжатлаштиришга оид публикациялар.

Бундан ташқари, кутубхона Халқаро алмашув орқали расмий публикациялар, халқаро келишувлар, шунингдек, Испаниядаги мавжуд ҳукуматлараро келишувлар орқали китоб ва журналларга ҳам эгаллик қилади.

Биласизми?

Бразилияда қамоқхоналаридаги маҳбуслар китоб ўқиш орқали ўз муддатларини қисқартира оладилар. Амалга киритилган бу қонун Diario Oficial da Uniao расмий давлат газетасида эълон қилинган. Мазкур дастур, таъкидлайди Reuters, "Ўқиш воситасида (озодликни) сотиб олиш" норасмий номини олган. У Бразилиянинг тўрт федерал қамоқхонасида таъбиқ этилган.

Дастурга кўра, ҳар бир ўқилган китоб маҳбус муддатини тўрт кунга қисқартиради, бир йилда 12тагача китоб ўқилиши лозим. Шу тарзда маҳбус ўз муддатини

ҳар йили 48 кунга камайтириш имкониятига эга. Улар қамоқхона кутубхонасидан бадиий адабиётларни, фалсафа ва илмий йўналишдаги китобларни танлашлари мумкин.

Маҳбус китобни ўқиб бўлганидан сўнг қамоқхонада ишлайдиган экспертлар баҳолашлари учун эссе ёзиши керак. Кўчирмакашлик ёки бировга ёздиришда ушлаб олинган жиноятчи ушбу дастурда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

...Бразилия қамоқхоналаридаги маҳбусларнинг 70 фоизи ҳатто ўрта маълумотга ҳам эга эмас...

Мустаҳкам оила — жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучидир

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиалида ушбу филиал, республика Маънавият тарғиботи маркази вилоят бўлими ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят ва Бухоро шаҳар кенгашлари "Ёшлар қаноти" билан ҳамкорликда ана шу мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Уни МТДП Бухоро шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси етакчи мутахассиси Ҳаёт Шарипов олиб борди.

Тадбирда таъкидланганидек, оилаларимиз мустаҳкамлиги жамиятимиз тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Жорий йилнинг мамлакатимизда Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас, албатта. Бу — оилага бўлган эътибор, жамиятимизнинг асосий бўғини — оила институтини янада ривожлантириш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўналишида олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтариш, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, маҳалланинг мавқени мустаҳкамлаш ва шу асосда мамлакатимизда оилалар барқарорлигини таъминлашдек эзгу мақсадларни амалга ошириш деганидир. "Мустаҳкам оила йили Давлат дастури"нинг қабул қилинганлиги ва илчил амалга оширилаётганлиги ҳам бу борадаги ишларда қўтилган натижаларга эришиш имконини бериши турган гап.

Давра суҳбати иштирокчилари ҳузурда сўз олган вилоят ОИТС маркази санитария-тарбиёт бўлими мудри Д.Сагаторова "Соғлом муҳит — инсон саломатлигининг бош омил" мавзусида маъруза ўқир экан, ушбу йўналишдаги ишларда қўтилган натижа ва самарага эришиш учун жонқуярлик ва қатъийлик зарурлигини уқтириб, жойлардаги тарбиёт-ташвиқот ишларини кучайтириш кераклигини эътироф этди. Ҳозирги пайтда Ер шаро аҳолисининг 1,3 миллиард нафари кашандалик иллатига мубтало бўлган. Тамаки маҳсулотларини мунтазам равишда истеъмол қилиш дунё миқёсида тобора авж олиб бораётган. Тадбир давомида инсоннинг жисмоний ва руҳий физиологик жиҳатдан унга ўрганиб қолганлиги учун кашандалик гиёҳвандликнинг шаклларида бири сифатида дунё миқёсида расман таъ олинганлиги тилга олиб ўтилди.

Давра суҳбатида, шунингдек, МТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси ёшлар масалалари бўйича етакчи мутахассиси Дилфуза Исмаиловна, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Олия Шукурлаева, меҳнат фахрийси Шодмон Жумаевлар ҳам сўз олиб, муҳокама этилган мавзулар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Соғлом турмуш тарзи — кундалик ҳаётдаги барча муваффақиятларнинг бош омил, маънавий баркамоллик намунаси эканлигини таъкидладилар.

Тадбир давомида бир қатор замонавий ахборот технологиялари — слайдлар ва бошқа кўргазмалар воситалардан кенг фойдаланилганлиги долзарб мавзу мазмун-моҳиятини кенг очиб бериш имконини яратди. Тингловчиларни қизиқтирган барча саволларга тадбир ташкилотчилари томонидан апрофлича жавоблар берилди.

Аскар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг
Бухоро вилоятидаги мухбири

Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўнгани жамоалари филиал кадрлар бўлими муҳандиси Назира АХМЕДОВАни 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, ишларида муваффақиятлар тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Беруний туман ТБ жамоаси боғлама ходими Рашид КАЛБАЕВни қутлув 50 ёшга қарши олиши билан табриклайди. Унга узок умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Кува ТБ ходими Омонулла МИЛЛАЖОНОВни 55 ёши, Қўқон ТБ ходими Мунаввархон МАРУПОВАни 50 ёши билан самимий табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узок умр, фарзандлар роҳатини кўриши тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Ёзёнов ва Яйпан почта алоқаси тармоқлари ходимлари Одилжон ҚўЧҚОРОВ ҳамда Шарифжон ХИКМАТОВларни 55 ёшга тўлишлари муносабати билан чин дилдан табриклайди. Уларга соғломлик, узок умр, фарзандлар камолини кўриши тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал хайдовчиси Мусажон ака ДОЛИМОВни ҳамда почта айирбошлаш маскани масъул навбатчиси Қурбонали БЎТАБОВЕВни 60 ёшга тўлишлари муносабати билан самимий табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

Бир пайтлар фойдаланиш масофаси бир неча метрдан ошмаган Беллинг гапирувчи ашарати бугун барчанинг яқин кўмакчиси. Ахборот технологияларининг имкониятлари кенгайиши мобил телефонларда ҳам турфа функцияларнинг пайдо бўлиши, унинг ҳар хил шаклларида бизга тақдим этилишига сабаб бўлмоқда.

Бу эса телефон бизнинг овунчоғимизга айланганига хизмат қилаётгандек, назаримда. Айниқса, ўқувчи-ёшлар "сотка"ларга шу даражада боғланиб қолаётгани, улар оғиримизни енгил, узоқимизни яқин қилаётган дастурлардан самарали ва ўз ўрнида фойдаланмаётгани

рост. Ёшларнинг жамоат жойларида ҳам телефонда худда-бехуд гап соғатгани атрофдагиларнинг жинга тегиб қўяётгандек. Айниқса, дарс пайтида мобил телефонлардан фойдаланилаётгани, бу орқали ўқувчилар сабоқлардан қалётганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Шу маънода жорий йилнинг 21 майида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишнинг тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган айни муддао бўлди. Мазкур қарор билан умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди. Қарорда таълим муассасаларида телефонларни ўчириб қўйиш ёки овозсиз ҳолатга ўтказиш кераклиги аниқ белгилаб қўйилган, телефонларда ҳар хил ноҳўя ви-



Меъёр — барча масаланинг ечими

деоматериалларни намоиш этиш, тарқатиш таъкидланганлиги кўрсатилгани қувонарлидир.

Шу ўринда бир воқеани айтиб берай. Адабиёт дарси эди. Синфдошим Акмал доскага чиқиб, Захриддин Мухаммад Бобурнинг "Менинг кўнглимки..." деб бошланувчи ғазалини ёд айтаётган эди. Шу пайт орқа партадан "Ало, Алоооо" деган телефоннинг жиринлаган овози эшитилиб қолди. То Акмалнинг партадоши унинг папкасидан телефонни топиб ўчиргунча барча ўқувчиларнинг хаёли ва эътибори бўлинди, Акмалнинг ўзи ҳам ғазалини эсидан чиқариб қўйди. Қолаверса, ўқитувчимизнинг танбехидан синфдошимнинг дили хуфтон бўлди. Бундай ҳолат ҳар бир синфда содир бўлган.

Шунингдек, телефонда меъёрдан ортик сўзлашнинг инсон соғлиғига салбий таъсири ҳақида ҳам бот-бот гапирляптики, бу масалага янада жиддийроқ қарашни талаб этади. Масалан, litedigit.ru сайтида берилишича, телефонда

олиб борилган меъёрдан ташқари мулоқот юрак қон-томир ва асаб тизими касалликларини ривожлантириши аниқланган. Gamma7.m-1.m.info электрон манзилида ҳам электромагнит тўқинларининг хотира пасайиши, бош оғриги, диққатни жамлай олмаслик, уйқунинг бузилишига олиб келиши кўрсатиб берилган. Ваҳоланки, биз нафақат бўш вақтимизда, балки олтинга тенг фурсат — дарсда ҳам телефонда гаплашамиз, хабар йўллаймиз, видео ва аудиоматериаллардан баҳраманд бўламиз.

Тўғри, замон билан ҳамнафас бўлиш, тараққиёт тақдим этаётган ҳар бир техник ва технологияни янгиликни ҳаётга таътиб этиш бугунги кун талаби. Аммо ҳар нарсада меъёрни унутмаслик, телефонда мулоқот олиб бориш маданиятини пухта ўзлаштиришимиз дарсларимизнинг сермазмун бўлишини таъминлайди.

Мадина АКБАРОВА

Мароқли зиёрат

Тошлоқ тумани почта алоқаси тармоғи раҳбарияти ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан 30га яқин почта ходимлари ва меҳнат фахрийлари водийнинг гўзал гўшаларидан бўлган Водил қишлоғига зиёратга бориб, катта таассуротлар билан қелишди.

Меҳмонлар зиёратни Водилнинг сўлим истироҳат боғидаги ёши минг йилга тенг бўлган азим чинор билан танишишдан бошлашди. Сўнгра XVII асрнинг охири, XVIII асрнинг бошларида Бухорода таваллуд топган, ислом таълимоти, тариқат илмини мукаммал

эгаллаган мударрис, умрининг сўнгги йилларини Водилда ўтказган Хўжа Аҳмад Валий макбарасини зиёрат қилишди. Шунингдек, улар "Чинортаги" истироҳат боғида фаолият кўрсатаётган тарих музейида бўлишди.

Меҳмонларга ушбу музейни ташкил этган меҳнат фахрийси Холдорали Қулфиддинов қадимий ва табаррук, айни пайтда гуллаб-яшнаётган Водилнинг кечаси ва бугунги, гўзал масканлари, табаррук қадамжолари, дилқушо жойлари, халқ хизматига камарбаста инсонлари, оддий халқ орасидан етишиб чиққан истеъдодлари тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

Туман почта алоқаси тармоғининг Ахшак, Садда алоқа бўлимлари бошлиқлари Роҳатой Раҳмонова, Нигора Дияевалар бу мароқли саёҳатдан фойда мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Мухаммаджон МАХМУДОВ

Ҳикоят

Маърифатсиз ҳаёт жаҳолатдир.

Ҳожи Аҳмад ЯССАВИЙ

Билафон алоқачига "қизил карточка"



Оиланинг мустаҳкам бўлишида, у ерда ўсиб келаётган фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишларида спортнинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам юртимизда спортни ривожлантиришга, оилаларда соғлом турмуш тарзини барпо этишга катта аҳамият берилляпти. Жойларда жаҳон андозаларига мослаб бунёд этилган спорт мажмуалари шуғулланувчилар билан тўлиб бормокда. Соғлом авлод — соғлом жамият негизи эканлигини юракдан ҳис қилган ота-оналар фарзандларининг спорт билан мунтазам шуғулланишларига шароит яратиб бериш билан бирга ўзларининг ҳам саломатликларини турли жисмоний машқлар орқали мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. Бу борада яна нималарга эътибор бериш керак? "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиалида бўлиб ўтган навбатдаги тадбир ана шу мавзуга бағишланди. Тадбирда машҳур футбол ҳаками Равшан ЭРМАТОВ ҳамда таниқли спорт шарҳловчиси Мирзаҳақим ТҲТАМИРЗАЕВлар иштирок этишди.

— Биз сизни халқимизнинг ҳалоллик, ростўйлик каби фазилатларини дунё ахлига кўрсата олган инсон сифатида ҳурмат қиламиз, — деди филиал директори Оқилжон Қурбонов. — Сизнинг ФИФА ҳакамлиги даражасигага босиб ўтган йўлингиз, ҳаракат ва изланишларингиз ҳаммамиз учун ибратдир. Шунингдек, спортнинг кўпгина турлари бўйича мутахассис сифатида Мирзаҳақим Тўхтамирзаевнинг ҳам оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасидаги фикрлари биз учун муҳим. Шунинг учун ҳам жамоамиз аъзолари ташрифингиздан хурсанд бўлишди. Бугунги учрашувимиз ҳар томонлама фойдали ва самимий ўтади, деган умиддаман.

Таниқли спорт усталари билан алоқачилар суҳбати ҳақиқатан ҳам қизиқарли, ҳазил-хузулга бой ва мароқли кечди. Дунё эътиборидаги футбол ҳакамининг самимийлиги ва камтаринлиги бунга йўл очиб берди.

— Сиз тўрт йилдан бери "Энг яхши ҳакам" сифатида дунё ахлини хайратга солганингиз ҳолда ҳар бир Ўзбекистонлик қалбида гурур пайдо қилдингиз. Биз сизни яхши кўрамыз ва сиз билан фахрланамиз, — деди филиал ходими Ҳасан Шукуров. — Айтинг-чи, сиз ФИФА президенти Йозеф Блаттер билан мулоқотда бўлганмисиз?

— Ўзининг етмиш беш ёшида ҳам ўткир хотираси, ҳақгўйлиги ва зиммаси-

даги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ФИФА обрўсини ҳамма нарсадан устун қўйиши билан жаноб Блаттер ҳакамлар орасида катта обрўга эга. У киши ҳар бир ўйин олдида ҳакамлар бригадаси аъзолари билан суҳбатлашади, самимий муносабатда бўлади.

— 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтган бешта муҳим учрашувга ҳакамлик қилиш Ўзбекистонлик ҳакамлар бригадасига тошпирилди. Бу ҳақдаги ФИФА қарори ўқилганида кўнглингиздан нималар кечди?

— Аввало шунни айтишим керакки, ФИФА бу қарорга келишдан олдин Йигирма тўртта ҳакамлар бригадасининг тўрт йил давомидаги ҳар бир ўйинини кўриб, муҳокамадан ўтказди. Чемпионатта кимлар ҳакамлик қилиши ҳақидаги қарор ўқилганида, одатда ҳамма ҳакамлик қилувчиларни табриклайди. ЖАРдаги чемпионатнинг очилиш ўйинида биз ҳакамлик қилишимиз ҳақидаги ФИФА қарори ўқилганида залда бир неча дақиқа жимлик ҳукм сурди. Шундай нуфузли ўйинга ҳакамлик қилиш Ўзбекистонлик ҳакамларга тошпирилгани ҳақидаги хабар кўпчиликини саросимага солиб қўйган, улар қўлоқларига ишонмай жим қолган эдилар. Қарор иккинчи марта ўқилганидан сўнг қарсақ овозлари янгради. Лекин бу ҳам заиф овоз бўлиб, кўпчиликнинг бригадам аъзоларига ишонч билдира ол-

маганидан далолат эди. Мавжуд ҳолат янада синчковлик билан ишлашни талаб этарди. Қалбимдаги кечинмаларга келсак, бир вақтлар харитада ҳам кўрсатилмаган, номи энди танилиб келинаётган бир юрт фарзандларига шунчалар катта ишонч билдирилганидан ҳаяжонланмай, гурурланмай бўладими ахир?! Лекин зиммамга жуда катта масъулият юклатилганлигини, халқимнинг юзи сифатида майдонга тушишимни яхши ҳис қилиб турардим. Бу масъулият ҳамон ва ҳар бир ўйинда мени таъкиб этади ва энг нозик вазиятларда ҳам тўғри қарор чиқаришимга сабаб бўлади. Минг шукрки, ЖАРдаги жаҳон чемпионатида тил билиш тарафидан ҳам, вазиятларга ҳолис баҳо бериш ва энг кўз илғамас ҳолатларни пайқай олиш тарафидан ҳам ўзимизни кўрсата олдик. Ҳозир кўпчиликнинг ишончига сазовор бўлиш бахтига муяссармиз.

Равшан Эрматов алоқачиларнинг оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, Германия — Аргентина учрашувидаги қизиқарли ҳолатлар, Ўзбекистон футбол терма жамоасининг тайёргарлик ҳолати ва бошқа кўпжабу шу каби саволларга жавоб берди. Ингиланлар Мирзаҳақим Тўхтамирзаевнинг ҳам қизиқарли ҳикояларини мириқиб тингладилар.

Тадбирда машҳур футбол ҳаками томонидан ўзига хос танлов ҳам ўтказилди.

— Кўриниб турибдики, — деди Равшан Эрматов, — ташкилотингизда футболни севадиган, унга қизиқадиغانлар кўпчиликини ташкил этар экан. Ҳозир сизларга битта савол бераман. Унга тўлиқ жавоб берган алоқа ходимига эсдалик совгамизни тошпирамиз.

Шундай қилиб, "ТТТ" филиали алоқачилари рақиб дарвозасига пеналти белгилашда нималарга эътибор бериш керак, деган саволга аниқ ва тўғри жавоб бердилар ва филиал касабга уюшмаси кўмитаси раиси Қаҳрамон Саримсоқовга рамзий "Қизил" ва "Сариқ" карточкалар эсдалик сифатида топширилди. Тадбир барча иштирокчиларда қизиқарли таассурот қолдирди.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Муҳиддин СОЛИЕВ олган суратлар



Фарғонада ҳам финалчилар аниқланди

Фарғона шаҳридаги "Тож Маҳал" мажмуасининг катта залида UCG Beeline 2012 Компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатининг Фарғона водийси геймерлари ўртасида навбатдаги ҳудудий финал бўлиб ўтди.

Саралаш турнирлари якунлари бўйича 7 июл куни Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларининг 100дан ортиқ геймерлари ичидан финалчилар танлаб олинди.

Мусобақа очилишида ЎзААА Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Музаффар Носиров, "Билайн" Шарқий ҳудудий филиали директори Санжарбек Иминов, чемпионат ташкилий кўмитасининг раҳбари Александр Сучковлар сўзга чиқиди.

Мусобақа якунида куйидагилар FIFA 2011 ўйини бўйича ғолиб бўлидилар:

- 1-ўрин — Аббор Рустамов
 - 2-ўрин — Мақсад Атаев
 - 3-ўрин — Отабек Қодиров
- Counter Strike 1.6 ўйини бўйича Фарғона ҳудудий турнирида 14та жамоа иштирок этди. Андижондан иккита жамоа, Намангандан битта жамоа келди, қолган жамоалар эса Фарғона вилоятидан эди.

Counter Strike 1.6 жамоавий ўйинида куйидагилар ғолиб бўлди:

- Биринчи ўрин: Сардор Ижонжонов, Шерзод Алимов, Азиз Тожибоев, Машҳур Ҳамидов ва Машҳур Абдурахмоновлардан иборат MIUZ жамоаси (Андижон).

Иккинчи ўрин: Кирилл Пак, Андрей Пак, Абдусоид Назаров, Зикирилло Нуриддинов, Бобур Исмомжоновлардан иборат Beyond (Фарғона) жамоаси.

Учинчи ўрин: Жаҳонгир Иноков, Дмитрий Запорожеч, Саидмурод Иноков, Саидахрор Саидахматов, Аъло Саидовлардан иборат a.pro (Андижон) жамоаси.

Барча ғолиб ва совриндорларга "Билайн" компаниясидан совғалар тақдим этилди, Аббор Рустамов ва MIUZ жамоаси (Андижон) эса 11 август куни Тошкентда ўтадиган миллий финалга йўлланма олдилар.

Финаллар ўтказилиш пайтида катта экранда трансляция ва финал матчларига шарҳлар амалга оширилди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси филиалнинг Шеробод почта алоқаси тармоғи бошлиғи Норкул Эшонқуллова падари бузруквори

ДОНИЁР БОБОИПОВ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомининг 49-бандига асосан:

"CEL CONSTRUCTION SV" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003409 рақамли;

"FARG'ONAZOT" очик акциядорлик жамиятининг (Фарғона ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003696 рақамли;

"Талимаржон иссиқлик электр станцияси" унитар корхонасининг (Кашқадарё вилояти) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003628 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 20 июндан;

"TRIUMF TELEKOM" шўъба корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003712 рақамли;

"INGENIUM GROUP" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ теледестурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003627 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 3 июндан тугатилди.

Адхам Хамдам ҳаётининг қўчқор

Адхам Хамдам катта йиғилишда бир қўчқорнинг бошлиғи Кўприқбоев билан ёнма-ён ўтирарди. Бирдан минбардан катта хўжайин Шораҳим Умидбоев уни савалай бошлади:

— Кўприқбоев сира одам бўлмади. Бажарган иши қулчанинг тешигидай. Топпириклар удааланмаган. Нима билан шуғулланади бу одам?

Кўприқбоев секин Адхам аканинг қулғига шивирлайди:

— Акажон, нима қилай, хўжайин ғирт ёлғонни ёдиряпти. Топпириклар бажарилмаган куннинг ўзи йўқ. Аммо ерга урганни-урган.

ҚўЧҚОР

Адхам ака секин унинг қулғига энгашади:

— Қобилжон, уйда қўчқордан борми?

— Иккита думбалик қўчқорим бор.

— Хўжайиннинг ховли-жойини биласизми?

— Ха, нимаиди?

— Билсангиз, эрта тонгдаёқ қўчқорлардан бирини хўжайиннинг ховлисига етакланг. Думбасига исми-шарифингизни ёзиб, дарвозадан киргизиб юборинг. Ана кўрасиз, натижа қандай бўлади.

...Навбатдаги чорак якунига доир йиғилиш. Катта бошлик яна гапни Қобилжон Кўприқбоевдан бошлади.

— Мана, ҳурматли ўртоқлар, ҳалол ва очиқ танқиддан муҳтарам укамиз Қобилжон Кўприқбоев ўзгарди. Тўғри хулоса чиқарди: топпирикларни юз фоиз бажариб, юзи ёруғ бўлди.

— Ё, тавба, Адхам ака, қаранг, хўжайин мени мактайтилар...

— Қобилжон, минбарда хўжайинмас, думбали қўчқор гапиряпти, — дейди қувлик билан Адхам Хамдам.



ҚАЕРЛИКСИЗ?

Дўрмондаги ижод боғида Адхам Хамдам ёш адиллар билан суҳбатлашиб ўтирган пайтда бирови:

— Адхам ака, ўзи қаерликсиз? — деб сўраб қолади.

У мийинида қулиб, бундай жавоб қайтарган:

— Тошкентликман десам ҳам бўлаверади, чунки ўша ерда туғилганман. Самарқандликман десам ҳам хато бўлмас, ўша ерда ўқиганман. Наманганликман дейишга ҳам ҳаққим бор, ўша шаҳардан фронтга кетганман. Андижонлик дейишди мени. Чунки урушдан сўнг ўша вилоят бўйича "Қизил Ўзбекистон" газетасининг муҳбири бўлганман. Фарғоналик дейишди. Тўғри, водийда 30 йилдан ошқроқ муҳаррир, муҳаррир ўринбосари, ёзувчилар сарқори бўлиб ишлаганман. Данғалига ўтсак — ўзбекистонликман.

Ёзиб олувчи Пўлат ҲАМДАМ

Реклама

НЕФТЕХИМИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ "СИНЬ-ЩИЯ" КУЙТУН

Нефтехимическая компания с ограниченной ответственностью "Синь-Щия" г. Куйтун СУАР ИНР основана и зарегистрирована в 2003 году в г. Куйтуне Душаньском нефтехимическом парке. Производственная деятельность включает экспортно-импортную торговлю, производство и продажу собственных марочных масел, строительную инженерию, международную коммерческую торговлю и консультативную экономику и различные сделки. А также, экспортирует полиэтилен, все виды строительной техники, транспортных средств и т.д.

Компанию возглавляет гендиректор, под его руководством действуют отделы управления предприятием, бухгалтерия, информация, маркетинг, производства, сбыта и снабжения.

Компания приобрела право экспортно-импортной торговли в центрально-азиатских странах. С августа 2010 года Европейско-Азиатский международный торговый центр материальных ресурсов создавал электронную систему, имеющего провести электронные торги на международных рынках.

Торговая площадка УЭРТСБ в Китае при компании занимается экспортно-импортной торговлей, поставляет технические и строительные механизмы и машины, автомобили и комплексное оборудование. В г. Ташкенте работает собственное коммерческое представительство. Компания имеет прочные, культурные и торговые связи с разными странами, такими как Казахстан, Россия, Узбекистан и другие, всего более 10 стран.

Компания имеет большие способности по реализации машинных масел марки "Синьщия", "Дукун" и является лидером в системе Синьцзянского БИИТЯН по продаже масла марки "Юнлун".


Компания "СИНЬ-ЩИЯ" придерживается принципа взаимопонимания друг друга, доверия, честности, уверенности, опираясь на преимущество "качества, цены и обслуживания" и завоевала доверие клиентов и создала долгосрочное сотрудничество.

Ваше благополучие и процветание — цель нашего стремления, мы готовы работать с Вами, чтобы создать лучшее будущее!

China, Kuitun
Mob: 18899217333, 13809921870
Office: (+86)992-3218728; Fax: (+86) 992-3901553
Skype: xiangru898783
E-mail: xixinxia@163.com Web: www.njktxy.com

Узбекистан, Ташкент.
Айлан сот: (+99897) 7987866
Дилмад сот: (+99897) 7067069
Офис: (+99871) 2172002
Скайп: zmlong0911 Эл-почта: chinainprex@mail.ru

"Ребб" кроссворди



Тузувчи: С.ТЕМИРОВ

ЭНИГА: 1. Акс-садо. 3. "Бухоро — ислом динининг ..." 6. Куёш ботишига яқин пайт. 7. Менделеев д.т.нинг III гуруҳига мансуб металл. 8. Кексалар оладиган "маош". 10. Олтичи сайёра. 13. Нил бўёғи. 14. Сафсата; мақтанчоқлик. 15. Кавказча рақс. 17. Интизом. 18. Француз математиги, физик ва файласуф. 20. Сабзавот. 22. Рембрандт энг кўп муржаат қилган тасвирий санъат йўналиши.

БЎЙИГА: 1. Сигнал тури. 2. "...-қора" мобил компания. 3. Юқумли касаллик. 4. Мустаҳкам. 5. Судда айбланувчининг фойдасига ишлайдиган омил. 9. Июл ойи — ...га тўғри келади. 10. "Гулдвернинг саргузаштлари" асари муаллифи. 11. ...лар — Англияни 1485-1604 йилларда бошқарган қироллар сулоласи. 12. Спорт тури. 16. Қадимий тил. 19. "... моторс" (автокомпания). 20. ...логия; ...графия; ...физика. 21. Толасидан дағал мато, арқон тўкиладиган бир йиллик ўсимлик.

Газетамизнинг 6 июл, 27 (1033) -сонида чоп этилган кроссворднинг жавоблари: Айлана энга: 5. Кирақаш. 7. Авиатор. 9. Иммигрант. 10. Тутун. 11. Ланка. 12. Майонез. 13. Лао. 14. Кувла. 15. Амфитеатр. Айлана марказига: 1. Аргонавт. 2. Алабама. 3. Тизгинли. 4. Отин. 6. Исмалок. 7. АТТ. 8. Рисолат.

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҶЧИМОВ</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Хуриш МИРЗАҲИДОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДХОДЖАЕВ, Сувои НАЖИДИДИНОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфило ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗИ:</p> <p>100043, Тошкент, Бувёқор тоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p>
	<p>Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикрларидан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Лутфило ТУРСУНОВ.</p>
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтаининг жума кунини чиқари</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Мавзил: Тошкент шаҳри, "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-752 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 14662 нусха.</p>
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80</p> <p>Бухорода 223-27-85</p> <p>Гулистонда 40-12-19</p> <p>Жизяхда 226-06-34</p> <p>Навойда 225-91-10</p> <p>Наманганда 232-97-86</p> <p>Нукусда 554-35-45</p> <p>Самарқандда 233-61-81</p> <p>Термизда 224-06-12</p> <p>Тошкентда 288-40-66</p> <p>Урганчада 226-37-16</p> <p>Фарғонада 224-91-56</p> <p>Қаршида 314-08-99</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топпиридли — 20.00. Босишга топпирилиш вақти — 20.00.</p>	